



THE ACTUAL PROBLEMS OF FILOLOGY

MATERIALS
of the international scientific
conference



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТИЛШУНОСЛИК КАФЕДРАСИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ
КАФЕДРА ЯЗЫКОЗНАНИЯ**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY SPECIALIZED EDUCATION OF THE
REPUBLIC OF UZBEKISTAN**

**FERGHANA STATE UNIVERSITY
CHAIR OF LINGUSTICS**

**Фарғона давлат университети профессори,
филология фанлари доктори Ҳақимов Муҳаммад Хўжахонович
таваллудининг 60 йиллиги муносабати билан ўтказилган**

**«ФИЛОЛОГИЯНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ»
МАВЗУСИДАГИ
ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ**

II

МАТЕРИАЛЫ
международной научной
конференции
**“АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
ФИЛОЛОГИИ”**
Фергана, 29 марта 2022 года

MATERIALS
of the international scientific
conference
**“THE ACTUAL PROBLEMS OF
FILOLOGY”**
Ferghana city, March 29, 2022

ФАРҒОНА – 2022

АМЕРИКА АДАБИЁТИДА ЭКО-ФИКШН ЖАНРИ: ИЛДИЗ, МОҲИЯТ ВА БЕЛГИЛАРИ

Н.Хайруллоева, БухДУ таянч докторанти

Табиат ҳақидаги тафаккурни кучайтириш, авваламбор, инсоний ва ноинсоний оламларнинг бўлинишини енгиб ўтишни талаб қилади, чунки Кейт Ригби тушунтирганидек, “табиат ва маданият, физика ва техника, ер ва артефакт, бунёдкорлик ва вайронагарчиликнинг муштараклигини қайта тиклаш фақат инсоний такаббурликдан четга чиқиш орқалигина эришилади.[3; 152 б.]

Табиатни бадий тўкима билан бирга тасвирлашга қаратилган жанр маъносини билдирувчи “Эко-фикшн” атамаси илмий жихатдан 1970 йилларда пайдо булган булсада, унинг моҳият ва асослари жуда қадимий даврларга бориб такалади. Одамзотнинг ёзма шаклдаги пиктограмма ва петроглифларнинг яратиши, ҳамда инсон ва табиатнинг яратилиши тўғрисидаги афсоналарни табиатни кашф қилувчи эко-фикшн жанрининг энг қадимий илдизлари сифатида баҳолаш мумкин.

Табиат ҳақидаги ёзувлар қандай пайдо бўлгани ҳақида чалкашликлар мавжуд. Табиат ҳақидаги фантастика, табиатни мадҳ этувчи шеърят, табиат ҳақидаги драмалар, репортажлар, телевединие ҳужжатли ҳикоялари – буларнинг барчасида ягона умумийлик мавжуд: улар табиатга илмий нуқтайи назар билан билдирилган миннатдор эстетик жавоблардир.

Жумладан, швед олими Карл Линней²¹⁶ XVIII асрнинг ўрталарида табиат ҳақидаги илмий таснифни ишлаб чикди. Аммо унгақадар ҳам табиатга оид кўплаб ёзувлар бўлган, аммо илм-фаннинг табиатга нисбаттан мойиллик ва қизиқишларни ошириши янгилик эди. [4] Линнейдан аввал ҳам ов ҳақидаги ҳикоялар, эртақлар, кўшиқлар, саёҳатчилар ҳикоялари, ўт-ўланлар ва ҳайвонлар ҳақидаги масаллар мавжудлиги табиатга инсониятнинг мойиллигин кўрсата олади, бироқ уларда табиат одатда фақат икки ўлчовда кўринарди: бу тарихий космоснинг фони ёки диний космоснинг қопламаси эди. Ҳайратланиш ёки нафратланишдан қатъий назар, инсон қиёфаси унинг марказида турарди. Линней ҳатто ҳашаротларга ҳам таъсирчан юнон-лотин номларини бера бошлагандан сўнг, табиат тезда янги мазмунга эга бўлди ва у улкан объект ва муҳитга айланди. [5,1-5 бб.]

Аммо табиат ҳақидаги ёзувларни романтик кўринишда бўлгани учун, инкор этиш жуда осон. Дастлабқа тадқиқотларда таъкидланганидек, бу жанрда Евро-Америка анъаналари устунлик қилса-да, у ғоялар ва ёндашувларнинг маданиятлараро алмашинувини ўз ичига олади. [1;151 б.] Дон Шессе 1996 йилги “Табиат ёзуви” китобида изоҳда бўлса-да, бу масалага тўхталиб ўтган: “Америка адабиётида пасторал импульс....: Дўғеннинг “Тоғлар ва сувлар сутраси(тахминан 1250 йил)” ва Башонинг “Хаику

²¹⁶ Карл Линней,шунингдек, Карл фон Линне номи билан машҳур бўлиб, ботаник, зоолог, таксономист ва организмларни номлашнинг замонавий тизимини ҳамда биномиал номенклатурани расмийлаштинган швед олими

саёхати” (1689 йил) каби осиелик муаллифларни “табиат ёзувчилари” сифатида кўриш мумкин. Генри Торо ва Гари Снайдер каби буюк америкалик ёзувчилар ғарбдан ташқаридаги тафаккурдан кучли таъсирланган. Шарқий ва ғарбий, шимолий ва жанубий ноинсоний дунё билан ўзаро таъсир қилиш усулларининг бирлашишини таҳлил қилиш керак”. [2; 187-190 бб.]

Ҳаёт бадий асар асоси экан, ундаги эзгулик ва ёвузлик, яхши ва ёмон ўртасида борадиган кураш ёзувчилар томонидан сўз санъати намуналарида маҳорат билан акс эттирилди. Ҳар бир халқнинг ана шу зиддиятлар ва қарама-қаршиликлар ёритилган ўзига хос ва бетакрор адабиёти борки, Америка адабиёти улар ичида бой ҳамда такрорланмаслиги билан ажралиб туради.

XX аср бошларида эко-критизмнинг гуманистик бурилишидан бери умуман эътиборга олинмаган бўлсада, табиат ҳақидаги ёзувлар адабий экологияни тарбиялашда муҳим рол ўйнашда давом этди. Ушбу адабий жанрда евро-америка анъаналари ҳукмронлик қилди, аммо шунга қарамай, у ғоялар ва фикрларнинг маданиятлараро алмашинувини ўз ичига олади. Унинг мавжудлиги Америка эко-фикшн жанри тараққиёти қандай қилиб экологик инқирознинг адабий ва бадий тасвирларини юзага келтирганини ва ўз навбатида унчалик кўринмас бўлсада, ундан озиқланганлигини уч жиҳатдан кўрсатади. Биринчидан, Генри Девид Торонинг Америка адабий экологизмига таъсири, айниқса унинг оддий ҳаёт фалсафаси ва юксак тафаккури замонавий Америка адабиётида табиатшунослик анъанасини яратишга ёрдам беради. Иккинчидан, экологик ғоялар, фикрлар ва амалиётларни тарбиялашда акс эттирилган экологик хабардорликнинг янги усули вужудга келди. Ниҳоят, инсониятнинг табиий дунё билан муносабатларининг турли қирраларини ўрганишга радикал қизиқиш пайдо бўлди.

XIX-XX асрда Америка адабиётида табиат ҳақидаки асарлар мураккаб ва драматик бўлиши билан бирга, сермахсул ва ранг-баранглиги билан ўзгача моҳият касб этади. Бу вақтда Генри Девид Торо (Henry David Thoreau), Ралф Валдо Эмерсон (Ralf Waldo Emerson) каби назариётчи адабиётшунослар Америка адабиётида табиат тушунчасини фалсафий томондан шакллантиришда катта ҳисса кўшган. Уларнинг асарлари асосан, табиат тасвири, атроф-муҳит муаммолари ва инсониятнинг табиат, олам билан фалсафий муносабатига бағишланган. Г.Д.Торо америкалик табиатшунос, эссеист, шоир ва файласуф сифатида табиат ва фалсафага оид юксак асарлар билан ном қозонган натуралист ёзувчи эди. Торо эко-фикшн адабиётининг илдизларини ташкил қилувчи экологик ва энвайренменталистик тарих методларини олдиндан кўра олган. Унинг бадий услубида табиатни диққат билан кузатиш, шахсий тажриба, аниқ риторика, рамзий мотивлар ва тарихий билимлар муштараклигини ҳамда поэтик моҳирлик ва фалсафий синчковлик юқорилигини кузатиш мумкин. [6; 8б.] Унинг “Вачусетга сайр”, “Кеча ва ой нури”, “Тоғдаги ёруғлик”, “Мейнвудс”, “Масачутсдаги

эрта баҳор” ва “Уолден”(“Walden”) каби асарлари табиий муҳитда оддий ҳаёт кечириш ҳақида фикр юритади.

Америкадаги эко-адабиётнинг ўзига хос яна бир вакили Ралф Валдо Эмерсондир. Унинг атроф-муҳит манзаралари тасвирланган “Табиат”(“Nature”) асарида Эмерсон черков ёки динга муҳтож бўлмасдан табиат орқали соф маънавий даражада боғланиб, мавжуд бўлмаслик жараёни тўғрисида фикр юритади.

Шуниндек, замондош носир ижодкорлардан фарқли равишда Роберт Фрост шеърий асарларида Нью-Англиянинг қишлоқ ҳаётини тасвирлаган, унинг қаламига мансуб оддий одамларни кундалик вазиятларда тасвирлайдиган мисралар америкаликлар турмуш тарзини ижтимоий ва фалсафий маҳорат билан очиб бера олган. Шоирнинг “After Apple-Picking”, “The Oven Bird”, “Stopping by Woods on a Snowy Evening” каби табиат тасвири, атроф-муҳит манзараларини оддий америкалик сўзлашув нутқи орқали тасвирловчи ҳажман кичик, маъно жиҳатидан салмоқли поэтик асарлари таҳсинга сазовордир. [7, 110-129 бб]

Бу адибларнинг атроф-муҳит ҳақидаги карашлари ва ижод намуналари кейинчалик бадиий фантазия хусусиятига эга бўлган эко-фикшн жанри пайдо бўлишига олиб келган. Эко-фикшн жанри адабиётнинг классик, пасторал, афсонавий реализм, хайвонлар ҳақидаги метаморфоза, илмий фантастика каби турли йўналишларида ўз илдизларини намоён қила олган бўлса-да, ушбу давр ижод намуналарида инсоннинг эко-система билан муносабатлари сезиларли равишда тилга олинмаган. Бу янги жанр Жим Двйер(Jim Dwyer)²¹⁷ ва Ловренс Бюл (Lawrence Buell)²¹⁸ каби эко-критисизм намоёндаларининг эко-фикшн жанри тавсифини келтиргач, 1970 йилдан кейингина анча ривож топди. [9] Профессор Майк Веси (Mike Vasey)²¹⁹ “табиий эко-системанинг моҳиятини камраб олган нореал маконда юз берувчи ҳикоялар” тарзида эко-фикшнни тавсифлайди. Назарийчи бу жанрга кирувчи асарларда инсоний ришталарнинг табиатга муносабати доирасида рўй бериши ҳикоялардаги табиий дунёни ҳаётгийлиги ва жонлилигини таъминлаб бериши ва асарлардаги эко-маконлар тасвирининг иложи борича ҳаётгий ва воқеалар кетма-кетлиги экологик принциплар доирасида бўлишини таъминлаб бериш кераклигини таъкидлаб ўтган. [8]

Эко-критисизм ўз табиатига кўра, фанлар ва маданиятлараро интеграллашган, яхлит ва эволюцион хусусиятга эга бўлишини эътиборга олинса, бу хусусиятларни адабиётнинг эко-фикшн жанрига тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

217 Жим Дваер америкалик журналист ва ёзувчи эди. У The New York Times газетасида муҳбир ва шарҳловчи, олти илмий китоблар муаллифи Jim Dwyer amerikalik jurnalist va yozuvchi edi. U gazetasida muxbir va sharhlovchi, oltita ilmiy bo'lmagan kitoblar muallifi edi.

218 Лоуренс Ингаллс Бюелл - Пауелл М. Кабот Гарвард университетининг Америка адабиёти фахрий профессори, антибеллум америка адабиёти бўйича мутахассис ва экокритизмнинг кашшофи.

219 Майк Весеи Сан-Франсиско университети фахрий профессори, унинг илмий кизиқишлари атроф-муҳит фанлари, ботаника ва экологиядир.

1. Rigby Kate (2012). "Ecocriticism." *Literary and Cultural Criticism at the TwentyFirst Century*. Edinburgh: Edinburgh UP, Pp: 151-178.
3. Don Scheese (1996). "Nature Writing: The Pastoral Impulse in America" (New York: Twayne)
4. Philippon John (2003). "Is American Nature Writing Dead?," CT: Yale University Press, p395
5. David Rains Wallace (1984). "The nature of nature writing", article abstract, *The New York Times Archives*, July 22, Section 7, Page1-5
7. Gross David, ed. *The Price of Freedom: Political Philosophy from Thoreau's Journals*. p. 8.

РЎЗГОР ВА ОСОРИ САЙФИДДИН МУҲАММАДИ ФАРҶОНӢ

П. Ахмадҷонов, муаллими кафедраи забонишносии ДДФ

Истиқлолияти кишварамон барои рушду нумӯи соҳаҳои гуногуни ҷомеа имконоти васеъ фароҳам оварда, ки соҳаи таълими миёнаву олӣ низ аз ин зумра маҳсуб мегардад. Дар асоси маъхазҳо ва маълумотҳои навин омӯзиши таърихи адабиёти халқамон ва халқҳои ҷаҳон яке аз масоили мубрами адабиётшиносии муосир ба ҳисоб меравад. Ҷуноне аввалин Президенти Республикаи Ўзбекистон Исмоил Абдуғаниевич Каримов қайд кардааст: "Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий мероси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган... Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликини англашнинг ўсишдан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдишларига қайтишдан иборат узвий, табиӣ жараён деб ҳисоблаймиз" [3, 524]. (Тарҷумааш: "Арзишҳои фарҳангӣ, мероси маънавии беш аз ҳазорсолаи халқ барои мардуми Шарқ ҳамчун манбаи муқтадири маънавий хизмат кардааст. Мо барқарор намудани қадриятҳои маънавию ҷузъи муҳими ифтихори милливу таърихӣ, ташаккули худшиносиву худогоҳӣ меҳисобем ва он ҷараёни табиӣ иҷтимоӣ буда, бо сарчашмаҳои маданияву таърихӣ ниёгон тавҷам мебошад").

Аз ин ҷост, ки омӯзиш ва таҳқиқи адабиёт яке аз масъалаҳои муҳими адабиётшиносии муосир ба шумур рафта, баррасии суннатҳои хоси он бо диду назари тоза барои дарку маърифати ҷойгоҳ ва мақоми адабиёт мусоидат хоҳад намуд. Адабиёти тоҷик, ки дар таърихи адабиёти ҷаҳон мавқеи хоса дорад, вакилони ин адабиёт асарҳои офаридаанд, ки бо мазмуну мундариҷаи баланд ва маъноҳои тозаи тасаввуфиаш дар ганҷинаҳои адабиёти халқҳои ҷаҳон ҷой гирифтааст. Дар таърихи адабиёти ин халқ сафи шоирони соҳибдевон хеле зиёд буда, омӯхтану тадқиқ намудани рӯзгор ва осори онҳо то имрӯз идома дорад. Лекин то кунун муҳаққиқони адабиётшинос дар тадқиқотҳои худ оиди рӯзгор ва осори яке аз суҳансароёни маъруфи тоҷик Сайфиддин Муҳаммади Фарғонӣ, ки бештар бо номи Сайфи Фарғонӣ маълум буда, дар нимаи аввали асри XIII дар Фарғона таваллуд ёфтаву дар ҳамин ҷо илму дониш омӯхтааст, хеле кам тавачҷӯх намудаанд. Аслан дар арсаи шеърӣ тоҷикӣ-форсӣ Сайфиддин Муҳаммади Фарғонӣ мисли дигар бузургони ин

N.Soliyeva, Sh.Usmonova. O'zbek tilida nutqiy odat birliklari – his-hayajon undovlarining qo'llanilish o'rni.....	218
A.Vosiljonov. Amaliy tilshunoslik sohasida korpus lingvistikasining umumiy tamoyillari xususida.....	221
Г.Маликова. Бадииятда новербал воситалар.....	224
E.Djumaniyazova. To'rtko'l so'zi ma'nosini izlab.....	225
U.Atamirzayeva. Tilning noverbal shakllarining nutq jarayonidagi roli...	229
K.Raximova. Noverbal vositalarning gender xususiyati.....	231
M.Ilyosova. Tog'ay Murod ijodi badiiy uslub namunasi sifatida.....	234
O.Xalbayeva, S.Jalilov. Til g'ururi yoxud rus tilidagi so'zlarning tilimizga bo'lgan ta'siri.....	235
R.Muslixiddinova. Tilshunoslikda ekolingvistikaning o'rganilishi.....	238
М.Ёқубжонова. Тоғай Мурод асарларидаги олмошларнинг прагматик маънолари.....	240
АДАБИЁТШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МАСАЛАЛАРИ	
A.Қосимов,М.Ғаниев. Тарихий романда образлар тизимига доир.....	242
Ф.Исомиддинов. Талқини амалҳои исломӣ дар ашъори Рӯдакӣ.....	244
A.Акбаров. Шеър таъсирида яратилган шеър.....	247
S.Usmonova, H.Obidjonov. Tarixiy roman janri ingliz adabiyotida va mashhur tarixiy romanlar.....	249
Г.Орипова. Абдулла Орипов шеърларида ритм ва оҳангдорлик.....	252
O.Абобакирова. Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва шарқ адабиёти ўзига хослиги.....	255
P.Умурзаков. “Икки қарра икки – беш” қиссасида давр ва руҳият тасвири.....	257
S.Хақназарова. Abdulla Sherning poetik mahorati.....	259
H.Хайруллоева. Америка адабиётида эко-фикшн жанри: илдиз, моҳият ва белгилари.....	261
П.Ахмадҷонов. Рӯзгор ва осори Сайфиддин Муҳаммади Фарғонӣ.....	265
M.Abdukarimova. “Boburnoma”asari fransuz olimlari talqinida.....	269
D.Комилова. Қаҳрамон характери очиқ берувчи воситалар.....	271
ФАН ВА ТАЪЛИМ ИНТЕГРАЦИЯСИ	
Ш.Норалиева, Ҳ.Ҳамроева. Ўқувчилар нутқини ўстиришда педагогик технологиялардан фойдаланиш усуллари.....	274
O.Abobakirova, A.Ro'zimatov. Maktabgacha yoshdagi bo'lgan bolalarni tarbiyalashda tilning o'rni va roli.....	277
F.Islomova. Esse - yozma nutq o'stirishning samarali vositasi.....	279
O.Аббозов. Ономастик birliklar ёндош фанлар объекти сифатида...	281
D.Shermatova. Texnika oliy ta'limdagi o'zbek tilini o'qitishda integratsion yondashuv.....	284
N.Oxunova. Xalq og'zaki ijodi materiallarini o'qitishda interfaol ta'lim.....	288
Д.Ғазиева. Сущностные характеристики культуры речи учителя начальных классов.....	290
M.Axmedova, N.Ismoilova. Ingliz tilini o'qitishda loyihaviy	